Халқ депутатлари
Поп тумани Кенгашининг

ҚАРОРИ

Xalq deputatlari
Pop tumani Kengashining

QARORI

« 19 » апрель 2019 йил **Поп шаҳри** **№ 200/52-5**

Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг йиғилиш баённини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарорларига асосан, Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг айрим маҳалла ва кўчаларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ҳақида”ги 2-сонли йиғилиш баённомасини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 24-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг айрим маҳалла ва кўчаларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ҳақида”ги 2-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.
2. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2018 йил 10 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш баённомаси билан тақдим этилган тумандаги “Мафтункор” маҳалласи номини, “Ғурумсарой”, “Чортоқ” ва “Туман” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўча номларини ўзгартириш юзасидан берилган таклифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Туман статистика бўлими (Д.Абдувахобов), туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (С.Аҳмедов), туман Бош архитектори (С.Рўзматов), фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари (И.Аброров) ва бошқа тегишли давлат органлари билан биргаликда номлари ўзгартирилган маҳалла ва кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.
4. Туман Ички ишлар бўлими (С.Абдуллаев) номлари ўзгарган маҳалла ва кўчаларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига белгилар киритишда мазкур ўзгартиришларни инобатга олсин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Хайитов ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш (ёшлар сиёсати ва соғлом авлод) доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Поп туман Кенгаши раиси, туман ҳокими **А.Султанов**

Халқ депутатлари Поп тумани Кенгашининг 2019 йил “19” апрелдаги № 200/52-5-сонли қарорига илова

Тумандаги аҳоли пунктлари номи, кўча номлари ҳамда табиий объектлар номларини ўзгартириш ҳақида

№	Топонимик объект номи	Номлари ўзгартиришга берилганлар	Топонимик объект манзили	Ўзгартиришга асос	Ишчи гуруҳ таклифи
1	Маҳалла	Мафтункор	Поп тумани, Чодак қишлоғи	МФЙ илтимосномаси	Шайхон
2	кўча	Чорвадор	Поп тумани, Ғурумсарой маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Тараққиёт
3	кўча	Олтинбалиқ	Поп тумани, Ғурумсарой маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Зиёкорлар
4	кўча	Галатепа	Поп тумани, Чортоқ маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Шодиёна
5	кўча	Яланг	Поп тумани, Туман маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Гулзор

Орамиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин!

ПОП ТОНГИ

Поп туман ҳокимлигининг газетаси

№ 17 (8194)
2019 йил 4 май
Газета 1931 йил
20 ноябрдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами - Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронла-

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари туман кенгашининг эллик иккинчи сессияси бўлди. Унда депутатлар, ҳоким ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, ташкилот, муассаса раҳбарлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-5633-сонли Фармонида Халқ қабулхоналари секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилиш учун ҳар чоракда ахборот киритиши ҳамда ушбу ахборот юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиши белгилаб берилган эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Поп бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарори ижроси юзасидан Поп туманида ташкил этилган секторлар раҳбарларининг ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги даврий ҳисоботлари эшитилди. Бу ҳақда туман ҳокими Азамжон Султанов, туман прокурори Ҳусниддин Ҳакимов, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Санжарбек Абдуллаев, туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Жамшиджон Бўтаевларнинг маърузалари тингланди.

Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг йиғилиш баённини тасдиқлаш тўғ-

бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорида бирйўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги ва рамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель.

мутахассиси И.Ўлмасовнинг ахбороти эшитилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

Сессия якунида халқ депутатлари туман Кенгаши раиси А.Султанов кун тартибидаги масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Тумандаги аҳоли пунктлари номи, кўча номлари ҳамда табиий объектлар номларини ўзгартириш ҳақида

№	Топонимик объект номи	Номлари ўзгартиришга берилганлар	Топонимик объект манзили	Ўзгартиришга асос	Объектнинг янги номи
1	Маҳалла	Мафтункор	Поп тумани, Чодак кишлоғи	МФЙ илтимосномаси	Шайхон
2	кўча	Чорвадор	Поп тумани, Ғурумсарой маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Тараққиёт
3	кўча	Олтинбалик	Поп тумани, Ғурумсарой маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Зиёкорлар
4	кўча	Галатепа	Поп тумани, Чортоқ маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Шодиёна
5	кўча	Яланг	Поп тумани, Туман маҳалласи	МФЙ илтимосномаси	Гулзор

Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг йиғилиш баённини тасдиқлаш тўғрисида

Туман Кенгаши сессиясининг қарори

Ўзбекистон Республикасининг "География объектларнинг номлари тўғрисида"-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарорларига асосан, Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2018 йил 10 сентябрдаги "Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг айрим маҳалла ва кўчаларининг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ҳақида"ги 2-сонли йиғилиш баённомасини кўриб чиқиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Поп тумани ҳокимлиги ҳузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2018 йил 10 сентябрдаги "Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг айрим маҳалла ва кўчаларининг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ҳақида"ги 2-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2018 йил 10 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш баённомаси билан тақдим этилган тумандаги "Мафтункор" маҳалласи номини, "Ғурумсарой", "Чортоқ" ва "Туман" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўча номларини ўзгартириш юзасидан берилган таклифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман статистика бўлими (Д.Абдувоҳобов), туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (С.Аҳмедов), туман Бош архитектори (С.Рўзматов), фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари (И.Аброров) ва бошқа тегишли давлат органлари билан биргаликда номлари ўзгартирилган маҳалла ва кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Туман ички ишлар бўлими (С.Абдуллаев) номлари ўзгарган маҳалла ва кўчаларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига белгилар киритишда мазкур ўзгартиришларни инобатга олсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Хайитов ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш (ёшлар сиёсати ва соғлом авлод) доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Поп туман Кенгаши раиси, туман ҳокими: А.СУЛТАНОВ.

Поп шаҳри, 19 апрель 2019 йил.